



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг қадимий ва бетакрор байрамларидан бири бўлган муборак Қурбон Ҳайитининг мазмун-моҳиятида мўъжасам бўлган инсонпарварлик, эзгулик, шукроналик ва меҳр-оқибат сингари аъёна ва қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш, ушбу улуг байрамни мамлакатимизда муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Жорий йилда Қурбон Ҳайитининг биринчи куни **9 июль — шанба** кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши томонидан қабул қилинган қарорни инobatта олиб, мамлакатимизда 2022 йил **9 июль** куни Қурбон Ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги "2022 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги ПФ-35-сон Фармони билан 2022 йил **11-12 июль кунлари дам олиш кунлари** сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари

бўйича қўмита, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Қурбон Ҳайити халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

3. Туризм ва маданий мерос вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Қурбон Ҳайити кунларида мўътабар ёдгорлик ва қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон Ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 1 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

НОДАВЛАТ СПОРТ-ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ОЛИМПИА ВА ПАРАЛИМПИА СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни тайёрлашда давлат ва нодавлат спорт-таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, хусусий таълим хизматлари кўрсатиш соҳасида зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги "Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастури тўғрисида"ги ПҚ-5280-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2022 йил 1 июлдан бошлаб жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият кўрсатаётган мактабдан ташқари нодавлат спорт-таълим муассасасини (кейинги ўринларда — нодавлат спорт-таълим муассасаси) давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги чоралари жорий этилсин:

ёзги Олимпия ва Паралимпия

ўйинларида голиб ҳамда совриндор бўлган спортчилар томонидан ташкил этилган нодавлат спорт-таълим муассасаси фаолиятини олиб бориш учун давлат тасарруфида бўлган зарур бино ва иншоотларни 2024 йил 1 январга қадар **ижара тўловларисиз** (коммунал тўловлар бундан мустасно) **уларга тақдим этиш**;

2024 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар нодавлат спорт-таълим муассасаси томонидан жисмоний тарбия ва спорт хизматларини кўрсатиш учун фойдаланиладиган бино ва иншоотлар **ижара тўлови харажатларини 50 фоизга камайтириш**.

2. Нодавлат спорт-таълим муассасалари Солиқ кодексига асосан **ижтимоий соҳада фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар учун белгиланган солиқ имтиёзларидан** фойдаланиши маълумот учун қабул қилинсин.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2026 ЙИЛ МИЛАН ВА КОРТИНА-Д'АМПЕЦЦО ШАҲАРЛАРИДА (ИТАЛИЯ) БЎЛИБ ЎТАДИГАН XXV ҚИШКИ ОЛИМПИА ВА XIV ПАРАЛИМПИА ҲАМДА УЎШУ ТУРЛАРИГА ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИ КОМПЛЕКС ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларининг навбатдаги ёзги ва қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиши учун тайёргарлик ишларини жадаллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-127-сон қарорига мувофиқ:

1. 2026 йил Милан ва Кортина-д'Ампеццо шаҳарларида (Италия) бўлиб ўтадиган XXV қишки Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига (кейинги ўринларда — қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинлари) қуйидагилар **Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлашнинг устувор вазифалари этиб белгилансин**:

илгор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда ҳамда инновацион технологияларни кенг жорий қилиш орқали худудларда зарур инфратузилмани яратиш; қишки спорт турлари бўйича нодавлат спорт-таълим муассасалари, клублар ва тўғараклар тармоғини

кенгайтириш, уларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш; мавжуд салоҳият ва имкониятлардан келиб чиқиб, худудларни қишки олимпия ва паралимпия спорт турларига ихтисослаштириш, ушбу худудларда қишки спорт турларини ривожлантириш;

қишки спорт турлари бўйича миллий терма жамоа аъзоларини шакллантириш, шунингдек, нуфузли халқаро ва минтақавий мусобақаларда уларнинг иштирокини таъминлаш.

2. Қуйидагилар:

2026 йил Милан ва Кортина-д'Ампеццо шаҳарларида (Италия) бўлиб ўтадиган XXV қишки Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ;

2026 йил Милан ва Кортина-д'Ампеццо шаҳарларида (Италия) бўлиб ўтадиган XXV қишки Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш бўйича мақсадли кўрсаткичлар (кейинги ўринларда — Мақсадли кўрсаткичлар) 2-иловага мувофиқ;

Давоми 2-бетда

ШУКРОНА



ҚАДРИЯТЛАРИ ҚАДРЛАНГАН ЮРТ

Юрт тинчлиги ва осойишталиги шу ерда яшаётган халқнинг соф нияти ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Юртимизда яшаётган турли миллат ва элларнинг фаровон ҳаётини таъминлашда давлатимиз томонидан қабул қилинаётган ҳужжатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Халқаро минбарларда баралла янграган "маърифат ва диний бағрикенглик"ка чақириқ бутун дунёда эътироф этилди. Бу ташаббус Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган эди. Ўзбекистон тақлиф этган резолюциянинг асосий мақсади барча учун таълим олиш имкониятини тақдим қилиш, саводсизлик ва билимсизликни бартараф этишдан иборат.

Ҳужжатда "бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни ўрнатиш, диний эркинликни таъминлаш, диндорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг камситилишига йўл қўймаслик"ка ҳам чақирилган. Мазкур тақлифлар асосида БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги алпи сессиясида "Маърифат ва диний бағрикенглик" махсус резолюцияси қабул қилинди. Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат лойиҳаси БМТга аъзо 50 дан ортиқ давлат томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Резолюцияда таълим, тинчлик, инсон ҳуқуқлари, бағрикенглик ва дўстликнинг олға сурилиши муҳим роль ўйнаши таъкидланади, шунингдек, дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун интеграция, ўзаро ҳурмат, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бағрикенглик ва ўзаро тушунишни муҳимлиги тан олинди белгиланади.

"Маърифат ва диний бағрикенглик" махсус резолюциясини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида яна бир муҳим ҳужжат — "Бухоро декларацияси" қабул қилинди. Жорий йил 16-20 май кунлари

Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ўтказилган "Декларациялар мулоқоти" халқаро форумида бу ҳужжатнинг муҳим экани эътироф этилди. Форум иштирокчиларидан бири, Бригам Янг университети профессори Эрик Женсен бундай деди: "Қайсики юртда аҳолининг ҳар қандай тоифаси ўз дини, эътиқодини эркин намойиш қиларкан, уша заманда фуқаролар ўзларини шу Ватанга дахлдор, барча жараёнларга жалб этилганини ҳис этади. Шу ўринда айтиш мумкин керак. Мамлакатимизда йилдан-йилга эътиқод эркинлиги ва диний қадриятларни тиклашда дадил қадамлар ташламоқда. Ҳукумат дин ва эътиқод соҳасини миллий хавфсизликни қўллаб-қувватлаш масаласи билан уйғун мувофиқлаштириб борапти".

Бу эътироф бошқа иштирокчилар ва халқаро экспертлар томонидан ҳам алоҳида тилга олинди.

Давоми 6-бетда

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

АЖАБ САОДАТ ЭРУР, ЧИҚСА ЯХШИЛИҚ БИЛА ОТ...

Юртимизда кишилар тушунчалари, меҳнатга ва турмушга муносабатлари янгиланаётгани яққол кўзга ташланиб қолди. Мамлакатимиз бўйлаб давом этаётган кенг қўламли ислохотлар ватандошларимиз онгига ҳам катта ўзгаришлар ясади.

Янги давр Конституциямизга ўзгариш киритиш, яъни шу пайтгача амалда бўлган турли моддалар ва тушунчаларни тақомиллаштириш, қарама-қаршиликлар кучаяётган бугунги замонга мослаш, мамлакат ўз олдига қўйилган улғувор мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий тамални мустаҳкамлаш заруратини пайдо қилди.

Тан олиш керак, ҳеч бир замонда юртимизда Бош қонунимизга киритиладиган ўзгаришлар халқнинг бундай кенг қўламли иштирокида муҳокама

қилинмаган эди. Шаҳар ва қишлоқларимиздаги минглаб одамлар Асосий қонунимизни тақомиллаштириш борасида ўз фикр ва тақлифларини баралла билдирмоқда, бу юртимизда амалда ҳукм сураётган ошкоралик, очкилик ва шаффофлик тамойили, сўз, фикр ва тушунчалар эркинлигининг яққол исботи бўлиб хизмат қилмоқда, давлатимиз сиёсатининг устувор тамойили бўлмиш "Инсон қадри учун" гоёси халқ орасида кенг ёйилганини кўрсатиб турибди.

Давоми 3-бетда



ҚАРОР ВА ИЖРО

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ТИЗИМИ: ОДАМЛАРНИНГ МУШКУЛИНИ ОСОН, УЗОҒИНИ ЯҚИН ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Жорий йил июль ойдан Юнусобод туманининг Тикланиш маҳалласидан метронинг Юнусобод йўналиши бекатига автобус қатнови йўлга қўйилади. Бу, табиийки, ушбу маҳалла аҳли учун катта қулайлик яратади. Чунки хозиргача маҳалладан метро бекатларига тўғридан-тўғри келиш имкони йўқ эди. Энди улар битта транспорт орқали метрогача келиб, истоган манзилларига ортиқча вақт ва маблағ сарфламадан етиб олишлари мумкин. Айтиш жоизки, мазкур йўналишдаги ишлар изчиллик касб этган. Яъни биргина Юнусобод туманининг Хасанбой, Ҳамкоробод маҳаллаларига ҳам метрогача автобуслар қатнови ташкил этилади.



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИНОДАВЛАТ СПОРТ-ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ОЛИМПИА ВА ПАРАЛИМПИА СПОРТ
ТУРЛАРИ БЎЙИЧА СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН
Қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

Спортни ривожлантириш вазирлиги (М.Исмаилов) ҳамда Молия вазирлиги (Д.Султанов) нодавлат спорт-таълим муассасалари учун Солиқ кодексида назарда тутилган солиқ имтиёзлари буйича кенг тушунтириш ишларини ҳудудлар кесимида амалга оширсин.

3. Спортни ривожлантириш вазирлиги Давлат божхона кўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда нодавлат спорт-таълим муассасасини божхона божини тўлашдан озод қилишни (қисман озод қилишни) назарда тутувчи қонун лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 октябрдаги "Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчилари ва уларнинг тренерларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 878-сон қарорига мувофиқ, нуфузли халқаро спорт мусобақаларида голиб ва совриндор бўлган спортчиларни

тайёрлаган давлат спорт-таълим муассасалари тренерларига тўланадиган бир марталик пул мукофотлари нодавлат спорт-таълим муассасаларида фаолият юритаётган тренерлар учун ҳам татбиқ этилади.

5. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов) Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси (Р.Ирматов) ва Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси (М.Ташходжаев) билан биргаликда икки ой муддатда хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда, нодавлат спорт-таълим муассасаларининг иқтидорли спортчиларини аниқлаш, танлаш ва саралаб олиш (селекция), шунингдек, уларни Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларининг асосий ва захира таркибларига таклиф этишнинг тартибини тасдиқласин ва амалиётга жорий қилсин.

6. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилиш мақсадида:

Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов) Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси (Р.Ирматов) ва Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси (М.Ташходжаев) билан биргаликда бир ой муддатда ёзи Олимпия ва Паралимпия ўйинларида голиб ҳамда соврин-

дор бўлган спортчилар билан учрашиб, нодавлат спорт-таълим муассасасини ташкил қилиш ниятини билдирган спортчиларнинг аниқ рўйхатини шакллантирсин ҳамда ушбу рўйхатни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига етказсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ортиқов) билан биргаликда бир ой муддатда давлат тасарруфидаги бино ва иншоотларнинг манзилли рўйхатини шакллантирсин;

Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов) Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси (Р.Ирматов), Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси (М.Ташходжаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда шакллантирилган рўйхатга биноан давлат тасарруфидаги бино ва иншоотларнинг нодавлат спорт-таълим муассасасини ташкил қилиш ниятини билдирган спортчиларга ижара шартномаси асосида белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ҳаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кучимов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти тўғрисида махсус кўрсатувлар тайёрлашни ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Нодавлат спорт-таълим муассасаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

9. Спортни ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 1 июльЎзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ2026 йил Милан ва Кортина-д'Ампеццо шаҳарларида (Италия)
Бўлиб ўтадиган XXV қишки Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига
Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

2026 йил Милан ва Кортина-д'Ампеццо шаҳарларида (Италия) бўлиб ўтадиган XXV қишки Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига тайёргарлик қўрувчи Ўзбекистон миллий терма жамоаларининг контингентини 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар дастурни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутилган Давлат бюджети маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети маблағлари;

спорт федерация (ассоциация)лари, жамғармалари, клублари, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Қурилиш вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида:

фигурали учиш, конькида учиш, шорт-трек, кёрлинг, хоккей, парахоккей ва паракёрлинг буйича профессионал спортчи, малакали тренер ва бошқа мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳудудда замонавий муз саройи барпо этиши;

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимён қишлоғида фристайл, тоғ чангиси, сноуборд, паратоғ чангиси, парасноуборд, парахоккей, паракёрлинг каби спорт турларини ривожлантириш мақсадида спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари буйича Республика олий спорт маҳорати мактабига қарашли "Пахтакор" спорт базаси негизида қишки спорт турлари буйича миллий терма жамоа аъзолари учун 60 ўринга мўлжалланган Олимпия тайёргарлик марказини ташкил этиши;

Тошкент шаҳрида Қишки спорт турлари буйича республика ихтисослаштирилган спорт мактабини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Спортни ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси, Қурилиш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда Қишки спорт турлари буйича республика ихтисослаштирилган спорт мактаби фаолиятини ташкил этиш буйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига спортчиларни комплекс тайёрлаш ва уларнинг натижадорлигини ошириш мақсадида 2023 йилдан бошлаб ҳар йили спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасида қишки Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари (республика спорт мусобақалари, халқаро спорт мусобақалари, ўқув-машғулот йиғинлари, Осиё ҳамда Жаҳон чемпионатлари ва кубоклари) учун 15 миллиард сўмгача маблағлар ажратиш назарда тутилади;

қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларида голиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларининг навбатдаги ёзи ва қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиши учун тайёргарлик ишларини жадаллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-127-сон қарорининг 1-бандида кўрсатилган миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

6. Белгилансинки, Мақсадли кўрсаткичлар: қишки Олимпия ўйинлари буйича 29 та дастурда иштирок этиш ҳамда 7 та спорт тури буйича 8 та лицензияни қўлга киритиш, шу жумладан, 3 та истиқболли олимпия спорт тури (чангида югуриш, фристайл ва кёрлинг) буйича 10 та дастурда иштирок этишни;

қишки Паралимпия ўйинлари буйича 4 та дастурда иштирок этиш ҳамда паратоғ чангиси буйича 2 та лицензияни қўлга киритиш, шу жумладан, парахоккей буйича дастурда иштирок этишни назарда тутати.

Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси:

Мақсадли кўрсаткичлардаги қишки спорт турлари буйича дастурларда спортчиларнинг иштирокини таъминласин, бу борада спорт федерация (ассоциация)ларининг фаолиятини самарали ташкил этсин;

спорт федерация (ассоциация)лари раҳбарлари билан биргаликда спортчиларнинг Мақсадли кўрсаткичлардаги дастурларда қатнашиши ва лицензияларни қўлга киритиши учун масъул эканлиги белгилансин.

7. Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси ва Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда қишки спорт турларини ривожлантириш буйича қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрини фигурали учиш, хоккей, шорт-трек, кёрлинг, парахоккей, паракёрлинг спорт турларига ихтисослаштириш; Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли ҳудудларини

тоғ чангиси, сноуборд, фристайл, ski-альпинизм, паратоғ чангиси, парасноуборд спорт турларига ихтисослаштириш;

илгор ва инновацион технологияларни жалб қилган ҳолда, салоҳиятли ҳудудларда зарур инфратузилмани яратиш, бу борада инвесторларни жалб этиш, уларга бўш ер майдонларини белгиланган тартибда ажратиш ва қурилиш ишларига рўхсат бериш;

тоғли ҳудудларда жойлашган спорт-таълим муассасаларида тоғ чангиси ва ski-альпинизм буйича бўлимлар ташкил этиш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

муз саройлари мавжуд ҳудудларда фигурали учиш, конькида учиш, шорт-трек, кёрлинг, хоккей, парахоккей, паракёрлинг буйича бўлимлар ташкил этиш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

қишки спорт турлари буйича нодавлат спорт-таълим муассасаларини ташкил қилиш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

қишки спорт турлари буйича ҳудудлар кесимида миллий терма жамоа аъзоларини шакллантириш ва 2023 йилдан бошлаб республика мусобақаларида уларнинг иштирокини тўлиқ молиялаштириш;

мавжуд салоҳият ва имкониятдан келиб чиқиб, ҳудудларда қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига спортчиларни тайёрлаш буйича ҳомийларни бириктириш.

8. 2026 йил Милан ва Кортина-д'Ампеццо шаҳарларида (Италия) бўлиб ўтадиган XXV қишки Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш мақсадида спорт федерация (ассоциация)ларига бириктирилган спорт базалари рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар билан биргаликда спорт федерация (ассоциация)лари томонидан мазкур қарорга 4-иловага мувофиқ, бириктирилган спорт базаларидан доимий равишда фойдаланилишини, зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин. Бунда, ушбу чора-тадбирлар ўз тизимида тегишли спорт базалари бўлган вазирлик ва идораларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. Спортни ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси билан биргаликда:

Дастур бажарилишини тизимли таҳлил ва мониторинг қилиш, масъул вазирлик, идора ва ташкилотларга кўмак бериш ва методик ёрдам кўрсатиш, қўрилаган чоралар натижалари, миллий терма жамоаларининг қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик ҳолати, Дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш буйича асосли таклифларни ишлаб чиқсин ва киритиб бориш;

манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда спорт федерация (ассоциация)ларини жалб қилган ҳолда, спорт базаларини қуриш

ва реконструкция қилиш ҳамда уларни замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш, шунингдек, миллий терма жамоаларни тайёрлаш учун қулай ижтимоий, маиший ва моддий шароитлар яратиш буйича ишларни ўз вақтида ва сифатли ташкил этишни таъминласин.

10. 2026 йил Милан ва Кортина-д'Ампеццо шаҳарларида (Италия) бўлиб ўтадиган XXV қишки Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш буйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) ташкил этилсин ҳамда унинг таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Республика комиссияси (А.Н.Арипов):

икки ой муддатда қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига пухта тайёргарлик қўриш мақсадида спорт федерация (ассоциация)ларига зарур шарт-шароитлар яратиш учун уларни тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларга бириктирсин, шунингдек, бу борада ушбу ташкилотларнинг аниқ вазифаларини белгиласин;

қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига пухта тайёргарлик қўриш учун зарур бўладиган бюджет, бюджетдан ташқари маблағлар, шунингдек, ҳомийлик хайриялари миқдорини қўриб чиқсин ва белгиласин;

Дастурда назарда тутилган ҳамда манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотларнинг зиммасига юклатилган вазифа ва топшириқлар ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатсин. Дастурга мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг ижросини хар чорада муҳокама қилиш ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини қўриб бориш.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси ва Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси билан келишилган ҳолда, икки ой муддатда миллий терма жамоа спортчиларининг қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига сифатли тайёргарлик қўришни таъминлаш мақсадида ушбу қарорга 2-илова билан тасдиқланган Мақсадли кўрсаткичларга эришиш буйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин. Бунда, қуйидагилар назарда тутилади:

бюджетдан ташқари маблағлар ва ҳомийлик хайриялари ҳисобидан спорт базаларини қуриш, қайта қуриш, капитал таъмирлаш, шунингдек, улардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари, шу жумладан, автотранспорт воситалари билан таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 1 июль

жавобгар этиб спортни ривожлантириш вазири А.И.Икрамов, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Р.С.Ирматов, Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси раиси М.М.Ташходжаев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2023 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик қўраётган миллий терма жамоа спортчилари, тренерлари ва бошқа мутахассисларни моддий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг маиший шароитларини яхшилаш;

республика ва халқаро спорт тадбирлари ҳамда ўқув-машғулот йиғинларида қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик қўраётган ҳудудий терма жамоа спортчилари, тренерлари ва бошқа спорт мутахассисларининг узлуксиз иштирокини таъминлаш;

жойларда қишки олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, услубий қўллаб-қувватлаш ва мониторинг қилиш мақсадида спорт федерация (ассоциация)ларининг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг молиявий ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

13. Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик қўраётган Ўзбекистон спортчилари тўғрисида қисқа метражли видеороликлар ҳамда махсус кўрсатувлар тайёрлашни ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февралдаги ПҚ-4583-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистонда қишки спорт турларини 2020-2023 йилларда ривожлантириш дастурига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спортни ривожлантириш вазири А.И.Икрамов, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Р.С.Ирматов, Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси раиси М.М.Ташходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар йили 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

Буюк Ўзбек йўли

Барчамиз яхшилиқ истаймиз. Улкан тарихий жараёнларга шоҳид бўлаётган ва уларда иштирок этаётган халқимиз, қадрини юксалтириш учун жон куйдираётган оддий кишилармиз, нурунийлармиз — барчанинг нияти, дуоиси эзгу: эл-юртимиз тинч-фаровон, обод ва хур яшасин, ёшларимиз ўсиб-унсин, ёруғ ният ва мақсадларига зиёдаси билан эришсин.

АЖАБ САОДАТ ЭРУР, ЧИҚСА ЯХШИЛИҚ БИЛА ОТ...



Исажон СУЛТОН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Бошланғи 1-бетда

Кейинги йилларда юртимизда юз бераётган янгиликлар бирма-бир санаб ўтилса, бир неча минг саҳифалик китоб бўлса ажабмас. Ҳар бир ўзгариш инсон онгида ўзгариш ясади, дейишди. Оддий кишиларнинг мулоҳазаларига қўлқат тўртсангиз, янгиликлар шиддати фикр-мулоҳаза тезлигидан ошиб кетганини кузатса бўлади. Ҳар кун, ҳар қадамда халқ оғирини енгиллаштиришга, ўзи ва фарзандлари салохиятини улуг мақсадлар сари йўналтиришга қаратилган бир янгиликка дуч келасиз. Бундай ислоҳотларнинг моҳиятини мулоҳаза қилиб, мағзини қақиб курсангиз, барчаси инсон қадрини улуғлашга ва фаровонлигини оширишга йўналтирилганини кўрасиз. Мисол учун, рақамлаштириш, давлат хизматлари янги тизимини мулоҳаза қилиб қўйиб, бу шўбҳасиз, кишилар учун жуда катта қўлайлик бўлди, бироқ бундан кўзланган мақсад фақатгина қўлайлик эмас, балки тежалган вақт ва ресурслар ҳақида ҳам бормоқда. Дарҳақиқат, ушбу янгилик натижасида минглаб одамларнинг оғири енгил бўлди, вақти тежалди, энди ана шу тежалган вақтни қандай эзгуликларга йўналтириш керак?

Яқин-яқингача кишиларимизда ердан унмули фойдаланиш кўникмаси дегарли йўқ эди. Хайҳотдай ҳовлига бир қаватли ёки болаҳонали уй қурилиб, қолган қисми нари борса боғча ёки ўтлоқча ажратиларди. Бугунги ўзгаришни қаранг: кичик майдонлардан илҳои борича самарали фойдаланиш урфа айланди: кишилар ўзлари учун уч-тўрт қаватли уйлар қура бошлади, интенсиив иссиқхоналар, уйда хизмат кўрсатиш кабилар таомилга кирди, халқ ҳаётига қайта тикланадиган ва муқобил энергия турлари, тежалли смарт технология тушуначлари кириб келди.

“Одамларимизнинг ранг танлаш ва меъморий диди ўзгаряпти, — дейди танишларимдан бири. — Бугун барпо этилаётган замонавий бинолар дизайнига, рангига эътибор қилдингизми? Бугун ранг-дизайн ечимида қўвончроқ, ҳаётийроқ ранглар устунлик қила бошлади. Авваллари бинолар бир хил услубда, асосан, мовий ва кулранг безакларда қурилди. Ҳозир хизмат кўрсатиш ва ўқув марказларида сариқ ва қирмизи ранг устун, ҳар бир бино қандай хизмат кўрсатишига қараб, шунга мос лойихаланмоқда”.

Хизмат турлари ошганига қувонасиз. Бугун нафақат поятхат, балки ҳудудларда пайдо бўлган шобобчаларга разм солсангиз, халққа хизматнинг янги турлари олис-яқин қишлоқларимизга ҳам кириб борганини кўрасиз. Булардан энг омаллашгани рақамли технологиялар бўлди.

“Анча-мунча ишлар телефонда битадиган бўлиб қолди-я, — деб ҳайратланди Фаргонанинг олис қишлоғидаги бир танишимиз. — Бирор ҳужжат дейсизми ёки уйга меҳмон келиб қолса, егулик-ичқулик дейсизми, неварам телефонини олиб буюртма берса, зув этиб этиб келиб туради. Тўловларнинг бари телефонга ўтди. Олдинлари қишлоғимизда новойхонадан бошқа хизмат кўрсатадиган жой йўқ эди, у ҳам эрталаб сажкизгача ишларди. Ҳозир кўрсангиз, кимдир ошхона очган, кимдир кабохона, яна кимдир машина ювиш жойи, яна бирор томорқасида қиш-ёзин маҳсулот етиштиришни кўзлашди... Ешлар китобга қайтган, бир нима десангиз, хорж давлатларига тенглашиб, ўзиб кетишимиз керак, дейди. Замоннинг ўзгаришини қаранг”.

Ҳа, юртимиздаги улкан қўламли янгиликлар кишиларда ҳаётга муносабатни ўзгари-

моқда. Бу ҳақда таниқли адиб дўстимиз ибрат бўларли бир воқеани ҳикоя қилиб берди.

— Туғилиб ўсган қишлоғимга борганимда, бир киши билан суҳбатлашиб қолдим, — деди у. — Гапдан-гап чиқиб, юрагимдаги ҳасратини тўқиб солди. Менга отам муштдайлигимдан меҳнат қил, иш одамни ўлдирмайди, деб насиҳат қиларди. Отамнинг сўзларига амал қилиб, заҳмат орасида улғайдим. Уғилларим “Ўқиймиз, билим оламиз”, дейишига қарамай, суяғи қотар-қотмас “рўзгорга қараш, пул топ”, деб уларни турли-туман оғир ишларга юбордим. Мана, эл қатори яшаб юрибман-у, гоҳида ўқиниб кетаман. Фарзандларимнинг каттаси қирққа кириб қўйди, ёз-қиш демасдан пойдевор қўйиб, ғишт уриб, жонини жабборга бергани учун бир қанча дард орттириб олган. Бошқалари ҳам уриниб-тиришиб юрибди. Дўппини мундоқ олиб қўйиб ўйлсам, айб менинг ўзимда, яъни ота сифатида ўз олдимга қўйган мақсадларим хато бўлган экан. Эл-юрт наздида мутхашам уй қуриш, халқни қўйиб қолдирадиган тўйлар қилиш, автоулов сотиб олиш оруз эмас экан. Тўғри-да, фарзандингизнинг уйини қуриб бердингиз, уйлантириб, рўзгорини бўлак ҳам қилдингиз, аммо илми бўлмаса, қўлида ҳунари бўлмаса, арагани қандай тортинсиз? Ҳаёт ташвишлари қаршидада мўлтираб турган икки норасида қайда-ю, билимни, зиёли ёшлар қайда? Отанинг вазифи энди ўзарғибди: энди фарзандларимнинг бошини икки қилиб қўйсам, бас демайди, балки “болам билим олсин, вақти келса, ўз уйини истаганидай қилиб қуриб олади”, дейди.

Яъни бугуннинг мақсадлари ёшларни билимларга ошно қилишдан иборат. Ўз навбатида, улар ҳам шу анъанани давом эттирди, чунки билим — барча фазилатлар негизи. Ёшларимизнинг билимга муносабати ўзгарган: яқин-яқиндагина мактаб битирувчилари таълимни давом эттириш учун, асосан, иқтисод ёки ҳуқуқ фанини танлаган бўлса, бугун математика, физика, биология, кимё каби йўналишларга рағбат ошган. Миттигина бир қизалоқ хорж олий ўқув юртига ўқишга қабул қилинбди. Биотехнологиялар соҳасини танлабди. Хўш, бу қандай фан, деб сўрасам, “Тириклик қонунларини технологияларга жорий қилиш”, деб жавоб берди. Ана сизга тараққиёт!

ҲАММА ОЛИМ БЎЛИБ КЕТАВЕРСА...

Бир пайтлар “Ҳамма олим бўлиб кетаверса, подани ким боқайди”, дегандай гаплар бўларди. “Отанг деҳқон, бобонг деҳқон... Олманнинг тағига олма тушади-да”, дер эдилар. Бугуннинг кўзи билан қарасак, бундай халқ маталлари замирида недир афсус, ўқинч бордай туюлади. Шукри, у маталлар ўтмишда қолиб кетди. Янги замона маталларини ҳам ўзгартирди. Қолаверса, қишлоқ ҳўжалигида ҳам улкан ислоҳотлар содир бўлди. Бугуннинг деҳқонни ҳосил етиштириб, туман бозорида сотишни эмас, дунё бозорига экспорт қилишни кўзламоқда. Нав тагнашдан то тупроққа ишлов беришгача бўлган жараёнларда замонавий билимларга таянмас, рақобатга дош беролмаслиги турган гап. Рақобатбардошлик эса ҳосил етиштиришнинг янги ва замонавий усулларидан хабардорликка бориб тақалади.

Турмушимизга ақлли жиҳозлар, сунъий идрок технологиялари аплкақачон кириб келиб бўлди. Бугун ёшларимиз эса нафақат шундай уснударларни ишлатиш, балки янгиликларини яратишни мақсад қилиб олмақда. Айтайлик, юртимиз бўла-ла кенг қулоч ёйган “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси бунга мисол бўла олади. Бундан ташқари, ватандошларимиз қобилиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш учун китобхоналикдан тортиб замонавий илм-фан ютуқларини ўлаштиришга йўналтирилган лойиҳалар кенг қанот ёйди.

Яқинда “Беш ташаббус” олимпиадаси доирасида ўтказилган “Еш китобхона оила” танловига қатнашдик. Танлов давомида бир ҳарбий йигитимиз қўлидаги дафтари очит қўрсатди: унда бир асар бошдан-оёқ таҳлил қилинган ва савол тушиши мумкин бўлган жиҳотлари қизилда белгилиб, қаршига жавоб ҳам ёзиб қўйилган экан. Бундай “адабий таҳлил”га қўйил қолса арзийди. Китобга ошно киши Президент совринига эга чиқиши мумкин, лекин бу билан билимлари қамайиб қолмайди, айнан шу билим боис, ҳаёт унга қанчадан-қанча янги муқофотларни тақдим этади.

Қаранг: энди замонавий таълим олиш, ўз жаҳаридаги заковатини рўёбга чиқариш асосий мақсадга айланди. Маълағ топиш эса ўз ўрнида, яъни мотивация даражасида турибди. Бу борада Президент ташаббуси билан барпо этилган, илмий ютуқларни халқ ҳўжалигига жорий қилиш йўлида фаолият кўрсатаётган Инновацион ривожланиш вазирилиги амалга ошираётган

Давр нафаси

ишларни ҳам тилга олиб ўтиш лозим. Халқ орасида “Келажак вазирилиги” деб ном олган маъмур даргоҳ юртимиз илмий салохиятини жамловчи ва эзгу мақсадларга йўналтирувчи асосий локомотив вазифини адо этмоқда.

Бугунги таълим тизими билан кегагиси ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Олим ва мураббийлар қадри кўтарилди, улар тирикчилик ташвишларидан бир қадар фориғ бўлиб, ўз севган касби — таълим-тарбия билан шуғулланишига имкон яралди. Ёшларга эса йўл очик: истаган олий таълим муассасасига, бир эмас, бир нечтасига киришга уриниб кўраверсин, ҳамма гап уларнинг етук таълим олишида қолмоқда. Энди ҳар қандай соҳада етук билим эгаси бўлиш, шу билан бирга, илм-фаннинг янги йўналишларини эгаллаш талаб қилинмоқда. Эртанги кунимиз бўлмиш ёшларимиз янги Ўзбекистонни ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо қилиш жараёнида, Президент белгилаб берган улуг гоиларни ҳаётга жорий қилишда жонбозлик кўрсатиши кутилаётир.

Юртимизда иктимой муаммоларни ҳал этишнинг мутлақо янги ва ўзига хос тизими яратилди. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Маҳаллабай” ва “Хонадонбай” ишлаш усуллари айнан шу мақсадда жорий этилди. Шу асосда муаммога оид мавҳум кўрсаткичлар эмас, балки ёрдам ва кўмакка муҳтож ҳар бир оила ва фуқаронинг, хотин-қизлар, ёшларнинг муаммолари жойида аниқ ўрганилиб, улар ўз вақтида самарали ҳал этилмоқда. Буни бемалол мамлакат миқёсидаги “Иктимой стартап” деб айта бўлади. Чунки бундай хайрли ишлар оиланинг оёққа туриб олиши учун дастлабки кўмак вазифасини ўтайди, уни жамиятнинг тўлақоғли аъзосига айлантиради.

Кексалар, ноғиронлар, оғир аҳолга тушиб қолган инсонларни қўллаб-қувватлаш, уларга меҳр ва мурувват кўрсатиш каби эзгу анъаналар бугунги кунда янги маъно-мазмун, амалий ҳаракатлар билан бойиб, тақомиллаштириб бормоқда.

АДАБИЁТ — ХАЛҚНИНГ ЮРАГИ

Адабиёт ва санъат соҳасига келсак, юртимиз тарихида ҳеч бир даврда бу соҳага ҳозиргдай улкан эътибор бўлган эмас. Бир қаламкаш ва шу элнинг фуқароси сифатида Ёзувчилар уюшмасининг кўркам биносидан фахр ва гурур туюман. Не-не мамлакатлар вакиллари келиб, уни ҳайрат ва ҳавас билан томоша қилганига гувоҳман. Мазмун-моҳиятига қарасангиз, бини мамлакатимизнинг қўқ маркази бўлмиш Миллий боғда, бир ёнда Олий Маҳжлисимиз, бошқа ёнда Адиблар хиёбонимиз қурушида турибди. Ушбу кўркам маскан юртимиз кишилари учун қултуғ эътирофгоҳга айланди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу муваззам маскан очилиш маросимида сўзлаган нутқидаги: “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мурраккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз”, деган сўзлари ижод аҳлини янги-янги асарлар яратишга, фидойилик кўрсатишга руҳлантирган эди. Мана, бугун Адиблар хиёбонига гўё ҳазрат Навоий бошчилигида нафис мажлислар тўзилгандай. Зоккиржон Фурқат Ватан фироқ-ҳажрининг, Бехбудий, Авлонийлар юртга фидойиликнинг, Бердақ ва Ибройим Юсулов мухташам дўстлик ва биродарликнинг, Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова, Ҳамид Олимжон ва Зулфия вафо-садоқатнинг тибсоллари ўлароқ қад кўтарган. Уларнинг барчасини юртга хизмат қилишдай буюк шараф биравлаштириб турибди. Бу хиёбонимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ушбу бетакорр мажмуа жаҳоннинг бирорта мамлакатига учрамайди. Унинг моҳиятида эл-юрти, Ватани ва миллияти учун хизмат қилган кишилар мана шундай эъзоэланади, деган азим чорлов бор.

Юртимизда сўз эркинлиги амалда қарор топди. Ижодкорлар истаган мавзуда қалам тебрата олади ва у асар китоб бўлиб босилиб чиқишига ҳеч ким монеъ бўла олмади. Шунини ўйласам, бундан ўн йиллар бурун ёзилган “Боқий дарбадар” деб номланган романим тақдирим дегимга тушади. Адабий журнал тахририяти асарни бошига қарор қилгач, давримиздан икки минг йил аввал рўй берган, Исо алайҳиссалом тиминосидаги тўғрилиқ, ҳалоллик, эзгулик элчисига қўл кўтарган бир бадбахт одам ҳақидаги афсона асосига қурилган ушбу асар нашрини уша давринг масъулларидан бири “Диний идораларнинг хулосаси керак”, деб тўхтатиб қўйган эди. Тегишли

“

ТАРИХГА МУНОСАБАТ БОБИДА ҲАМ АДОЛАТ ТИКЛАНГАНИГА ГУВОҲИМИЗ. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРНИНГ: “БИЗ ШУ ВАҚТГАЧА ТАРИХНИНГ ЎЗИМИЗГА ЁҚҚАН ЖОЙЛАРИНИ ОЛИБ, ЁҚМАГАН ТОМОННИ ЯШИРИБ ЎТДИК. БИРОВГА ЁҚАДИМИ-ЁҚМАЙДИМИ, ҒУРУРИМИЗМИ-АРМОНИМИЗМИ, МУВАФФАҚИЯТМИ Ё ХИЁНАТМИ — ҲАММАСИНИ ҲАҚҚОНИЙ ЁЗИШ КЕРАК”, ДЕГАН СЎЗЛАРИ ЮРТИМИЗ АДИБЛАРИНИ БИР НЕЧА МИНГ ЙИЛЛИК ТАРИХИМИЗ БАҒРИДАГИ ХАЛҚ ҚАҲРАМОНЛАРИ, ДОВЮРАК САРКАРДАЛАР, БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ РЕНЕССАНС НАМОЯНДАЛАРИ, МАЪРИФАТПАРВАР ЖАДИДЛАР, ХАЛҚ ОЗОДЛИГИ КУРАШЧИЛАРИ, МУМТОЗ ШОИРЛАР, МУТАФАККИРЛАР ҲАҚИДА БАДИИЙ ЖИҲАТДАН ПИШИҚ, ТАЪСИРЛИ АСАРЛАР ЯРАТИШГА УНДАМОҚДА.

муассаса эса тақдим этилган асарларни муайян ҳақ эвазига олти ой мuddатда қўриб чиқар экан. Шукри, яхши кишилар аралашуви билан роман чоп этилиб, “Йилнинг энг яхши асари” эътирофига сазовор бўлди. Инглиз тилига таржима қилиниб, АҚШда китоб ҳолида босилиб чиқди.

Миллатимиз қўши ҳазрат Алишер Навоийнинг порлоқ шаҳсияти ва уммондек түбсиз ижодий мероси ҳақидаги асарим кўпчиликнинг назарига тушиб, ижобий баҳолангани, камтарин ижодий фаолиятим юксак эътироф этилиб, “Халқ ёзувчиси” унвонига сазовор бўлганим ҳаётимдаги энг унутилмас дамлар ҳисобланади. Бир қаламкаш адибнинг бахт-саодати шунчалар бўлар.

Адабиёт мустамакка тузумнинг гоъвий талабларига бўйсундирилган бир даврда устоз Ойбек не ҳадиқ ва ҳавоти билан “Навоий” романини ёзган бўлса, бугунги навоийшунслигимизда буюк бобомизнинг авлиёи шoir сиймоси, султон Хусайн Мирзо билан ўрнатилган дўстлиги, халққа қилган улуг хизматлари ҳақида қўллаб янги тадқиқотлар яратилган ва улар бадиий асарга муҳажир вақтини қутиб туради. Президентимизнинг 2020 йил 19 октябрда “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги тарихий қарори қабул қилиниши бу борада жуда катта имкониятлар эшигини очди. Очиғини айтиш керак, шу қоққача ул зотнинг хотирасига бундай кенг қўлламли, юксак эътиром кўрсатилгани йўқ эди.

Бундай янгиликларнинг барчасини санаб адо қилиш қийин. Беш-олти йил ичида бунчалар ўзгариш содир бўлиши кимнинг хаёлига келибди дейсиз?

Тарихга муносабат бобида ҳам адолат тикланганига гувоҳимиз. Давлатимиз раҳбарининг: “Биз шу вақтгача тарихнинг ўзимизга ёққан жойларини олиб, ёқмаган томонини яшириб ўтдик. Бировга ёқадими-ёқмайдими, ғуруримизми-армонимизми, муваффақиатми ё хиёнати — ҲАММАСИНИ ҲАҚҚОНИЙ ЁЗИШ КЕРАК”, деган сўзлари юртимиз адибларини бир неча минг йиллик тарихимиз бағридаги халқ қаҳрамонлари, довюррак саркардалар, биринчи ва иккинчи Ренессанс намояндалари, маърифатпарвар жадидлар, халқ озодлиги курашчилари, мумтоз шоирлар, мутафаккирлар ҳақида бадиий жиҳатдан пишдик, таъсирли асарлар яратишга ундамоқда. Қолаверса, бугуннинг ўзида ҳам тарих яратилмоқда, бу — Ўзбекистонимиздаги янгиликлар, юксалиш ва тараққиёт жараёнидир.

Президентимиз 2021 йил 9 май куни — Хотира ва қадрлаш куни байрамида сўзлаган нутқида ўтган асрнинг ўттинчи йилларида ўзбек миллий театр санъати ривожига муносиб ҳисса қўшган ноёб истеъдод соҳибаси, собиқ тузум давридаги машҳур қатогонлар тўғрисида умри бевақт хазон бўлган Маъсум Қориеванинг номини ҳам эътиром билан тилга олиб, унинг фожиали кеңмишига тўхталиб ўтган эди. Камина бундан бениҳоя таъсирландим. Натижада санъаткорнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида материалларни ўрганишга киришдим. Чиндан ҳам, биринчи ўзбек актрисасининг қисмати ҳар қандай инсон юрагини ларага солдиган даражада фожиали кеңанига амин бўлдим. Яқинда камминага унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида “Маъсума” романини ёзиб тугатиш насиб қилди. Эътиборлиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бу романини қиска фурсатда нашрдан чиқариб, тақдимотини ўтказишга ҳам бош-қош бўлди.

Тақдимотда адабиётшунос ва китобхоналар томонидан бундай асарлар бугун амалда қарор топган ижодий эркинлик маҳсули экани бот-бот таъкидланди. Ҳақиқатан ҳам, шундай мавзудаги асар яқин ўтган йилларда ёзилганида, нашр қилиниши даргумон эди, ўттиз йил аввал эса бу мавзу “ёпиқ ва тақиқланган” ҳисобланарди.

УЛУҒВОР МАНЗИЛЛАР САРИ

Янги Ўзбекистон фуқаролари тинч ва эркин, ҳаётдан мамнун, дастурхони тўкин, оиласи бахтиёр ва фаровон яшаётгани давлддир. Шундай буюк ишлар арафасида юртимизда кучли иқтисодиёт ишаро этилиб, она Ватанимиз дунёда муносиб ўрнини эгаллаши, кишиларга юксак шароитлар яратиш учун жуда кўп ишларнинг пойдевори бугун яратилмоқда. Бун мақсад эса юртимизда барқарор жамиятни ва бардавом тараққиётни таъминлашдан иборат.

“Инсон қадри учун” деган эзгу шior негизига халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида — қишлоқ ҳўжалигидан фармацевтикагача, енгил санаятдан оғир санаятгача, геологиядан фазовий тадқиқотларгача — барчасида замонавий илгор ютуқларни инновациялар қурилишида ҳаётга татиқ қилиш ва келажак уфқларига юзланишга қаратилган ишлар Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу гоъ янги мустақамланган. Халқаро рейтинглардаги эътирофлар, шаффофлик, халққа хизмат ва инсон қадр-қиммати кўрсаткичлари ошилиши, қўшниччилик муносабатлари яхшиланиши, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузи кўтарилиши — уларнинг барчаси асрий урф-одатларимиз негизига чин маънода ўзбекона йўл тутилганини ва пиравордади, халқ қадр-қиммати оширишга йўналганини намоён қилиб турибди.

Шундай улугвор жараёнлар барча жабҳаларда шиддат билан давом этаётган бир паллада Асосий қонунимизнинг замонага ва кўзланган буюк мақсадларга мос равишда ислоҳ қилиниши, албатта, давр талаби. Шу сабабли тараққиётимиз ва истиқболими кафолати бўлиши ушбу қонун лойиҳасига кишиларимиз ҳар томонлама мулоҳаза қилган ҳолда, ҳар бир янги киритилаётган истилоҳ, ибора ва сўзнинг мазмун-моҳиятини чуқур идрок қилган ҳолда ёндашиши керак, деб ўйлайман.

Барчамиз яхшилиқ истаймиз. Улкан тарихий жараёнларга шоҳид бўлаётган ва уларда иштирок этаётган халқимиз, қадрини юксалтириш учун жон куйдираётган оддий кишилармиз, нурунийлармиз — барчанинг нияти, дуоиси эзгу: эл-юртимиз тинч-фаровон, обод ва хур яшасин, ёшларимиз ўсиб-унсин, ёруғ ният ва мақсадларига зиёдаси билан эришсин.

Давлат раҳбарининг: “Орадан йиллар, асарлар ўтади, лекин гоъат мурраккаб шароитда бундай улкан ислоҳотларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшган инсонларни келгуси авлодлар ҳеч қачон унутмайди. Ана шундай буюк бахт ва шараф барчамизга ёр бўлсин!”, деган сўзлари барчани илҳомлантириши тайин.

Улуг мутафаккир бобомиз ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу шобҳайти эса баайни ана шу эзгу мақсадни ифода этади:

Бу гулшан ичраки,
йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур, чиқса яхшилиқ била от.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ЯНГИЧА ТАФАККУР, ТЕХНОЛОГИЯ, ИСТИҚБОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи**

Жорий йил июнь ойининг иккинчи ярмида мамлакатимиз нефть-кимё саноати тарихига мухрланган иккита воқеа юз берди. Даставвал "Uzbekistan GTL" заводида асосий хомашё ҳисобланган синтез-газ ишлаб чиқарилиши тўлақонли йўлга қўйилиб, ундан синтетик нефтнинг биринчи партияси ҳосил қилинди, унинг асосида орадан ярим ой ўтиб, синтетик дизель маҳсулоти олинди.



— Президентимизнинг бевосита эътибори остида бунёд этилган мажмуада нефть ҳамда табиий газни қайта ишлаш заводлари уйғунлашган, — дейди "Ўзбекнефтегаз" АЖ бошқаруви раиси Мехриддин Абдуллаев. — Яъни заводнинг ярами газни, қолган қисми нефтни қайта ишлайди. Лойиҳанинг ноёблиги шунда. Завод учун эскилтирилган таёрланган, унинг юраги бўлган Фишер-Тропш реакторлари ёрдамида метан газ молекуляр даражада парчаланган. Бу жараёнда синтетик газ олинади. Ундан исталган нефть маҳсулотини тайёрлаш мумкин.

Энг асосийси, бу ердаги 11 мингга яқин ускуна ва асосий ишлаб чиқариш қурилмасининг узвий ишлашини таъминлаш, шунингдек, уларни тўлиқ назорат қилиш ва бошқариш "Uzbekistan GTL" заводининг маҳаллий муҳандислари ва ёш мутахассислари томонидан мустақил равишда амалга оширилмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ ЭЪТИБОРИ — ҚУРИЛИШ ШИДДАТИНИНГ ҚАНОТИ

"Uzbekistan GTL" заводи қуришга 2016 йилнинг 29 декабрида Президентимиз имзолаган "Шуртан газ-кимё комплексининг тизимли равишда метан негизда суяқ синтетик ёқилги ишлаб чиқариш" инвестиция лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан шартли равишда амалга оширилган. Мазкур лойиҳанинг молиявий моделини ишлаб чиқишда

нуфузли халқаро маслаҳатчилар иштирок этди. Бу жараёнда унинг рентабеллиги, кредитни тўлаш шартлари, қоплаш каби муҳим жиҳатлар ҳисобга олинди. Ушбу ҳисоб-китоблар, ўз навбатида, салоҳиятли кредиторлар томонидан ўрганилиб, "Ўзбекнефтегаз" АЖ, Ўзбекистон тикланиш ва тарақиёт жамғармаси билан биргаликда Хитой Давлат тарақиёт банки, Жанубий Корея Эксимбанки ва экспорт кредитларини суғурталаш давлат корпорацияси, Россиянинг бир қатор нуфузли молия компаниялари ўз сармоияларини тикишга қарор қилди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 3 миллиард 420 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Унинг амалга оширилиши натижасида йилга 3,6 миллиард куб метр газ чуқур қайта ишланиб, ЕВРО-6 стандартларига жавоб берадиган, йиллик қиймати бир миллиард доллардан ошадиган 307 минг тонна авиакеросин, 724 минг тонна дизель ёнилғиси, 437 минг тонна нафта, 53 минг тонна суюлтирилган газ тайёрланади.

Нуфузли экспертлар фикрича, мажмуанинг асосий аҳамияти ҳам мана шунда. Яъни табиий газ шунчаки хомашё эмас, қўшимча қийматли маҳсулот сифатида сотилади.

Заводнинг дунё нефть-кимё саноатидаги салоҳияти ҳақида гап борганда, бундай корхоналар фақат Қатар, Жанубий Африка Республикаси, Нигерия, Малайзияда мавжудлиги, бу эса МДҲ мамлакатларида қурилган биринчи завод экани эътироф этилади.

Мажмуани қуриш жараёнида иштирок этган халқаро маслаҳатчи Сараванан Суверманининг сўзларига қўра, Қашқадарёдаги саноат мажмуаси дунёдаги GTL лойиҳалари ичида энг ноёбидир.

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев завод қурилатган майдонга бир неча бор ташриф буюрди, — дейди Сараванан Суверман. — Зеро, бу ташаббус ортида янги тафаккур, технологиялар, янги истиқбол ва экспортнинг янги имкониятлари мужассам. Мамлакат раҳбари лойиҳани ҳаётга табиқ этишга катта эътибор қаратиб, молиялаштириш, ускуналарни ўз вақтида келтириш, қурилиш ишларининг "Йул харитаси"ни ишлаб чиқиш, корхоналарни белгиланган муддатларда ишга тушириш юзасидан зарур ва аниқ кўрсатмалар берди. Бизни қўллаб-қувватлаб, юзага келадиган ҳар қандай масала ва муаммони ҳал этди. Бу қурилиш шиддатига қанот берди.



Мажмуа Ўзбекистон учун улкан иқтисодий истиқболларни белгиладиган йирик қувват. Бу ерда саноат ва қишлоқ хўжалиги учун зарур барча ёнилғи турлари ишлаб чиқарилади, экспорт салоҳияти ҳам юқори. Табиийки, мамлакатнинг иқтисодий ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Бу каби улкан қувватларни ишга тушириш орқали қисқа фурсат ичида ақлбобар қилмас иқтисодий юксалишга эришиш мумкин.

Шу уринда бир қиёс: Қатарда GTL технологияси асосида фаолият кўрсатувчи заводда бир йилда 1 миллион 200 минг тонна суюқ синтетик ёнилғи ишлаб чиқарилади. Нигериядаги корхонанинг қуввати 1 миллион 300 минг тонна ташкил этади. "Uzbekistan GTL"да бу кўрсаткич 1,5 миллион тонна бўлади. Бу йилга нефть хомашёси импорти учун сарфланаётган ярим миллиард доллар валютани иқтисод қилинади, дегани.

2021 йил 25 декабрь куни давлатимиз раҳбари "Uzbekistan GTL" заводининг ишга туширилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва уни мамлакатимиз саноатида яна бир ёрқин саҳифа очаётган улкан корхона сифатида эътироф этди.

Шу кунга яна бир тарихий лойиҳани жорий этишга таъмал тоши қўйилди. Янги қуриладиган корхонада "Uzbekistan GTL"да ишлаб чиқариладиган 430 минг тонна нафтани қайта ишлаш ҳисобидан йилга 380 минг тонна полиэтилен ва полипропилен тайёрланади. Яна мингга яқин янги иш ўрни яратилади. Натيجида қўшимча 550 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Ўз навбатида, ана шу маҳсулотларни янада чуқур қайта ишлаш орқали 2 баробаргача кўп истеъмол маҳсулотлари тайёрлаш мумкин. Мисол учун, 100 миллион долларлик полимерлардан электротехника, қурилиш материаллари, автомобиль саноати ва бошқа соҳаларда йилга қўшимча 200 миллион долларлик маҳсулот харидорларга тақдир этилади. Шунингдек, пластмасса ва ҳар хил турдаги қадқоқлаш буюмлари, сув таъминоти учун қувурлар ишлаб чиқариш кўпаяди. Яъни ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган яна қандай 1 минг 200 та янги ҳусусий корхона ва 12 мингта иш ўрни ташкил этилиши учун асос яратилади.

СИΝТЕТИК ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ ВА БОШҚА МАҲСУЛОТЛАР

29 июнь куни "Uzbekistan GTL" заводида мамлакатимиз нефть ва газ-кимё саноатининг тарихида биринчи синтетик дизель маҳсулоти ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Умуман олганда, кор-

хонанинг бу борадаги йиллик қуввати 724 минг тонна ташкил этади.

— Тез орада қайта ишлаш орқали юқори сифатли, экологик тоза синтетик суюқ ёнилғи маҳсулотлари, жумладан, керосин, нафта ва суюлтирилган газ ишлаб чиқарилиши ҳам бошланади, — дейди "Ўзбекнефтегаз" АЖ бошқаруви раиси Мехриддин Абдуллаев. — Ушбу маҳсулотларни истеъмолчиларга Республика товар-хомашё биржаси орқали сотиш белгиланган. Бу борада биржа ва "Uzbekistan GTL" заводи раҳбарияти ўртасида икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш доирасида муҳокамалар ўтказилиб, келгусида ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинган.

Бундан ташқари, жамият тасарруфидаги жами 15 та нефть базиси билан тайёр маҳсулотни сақлаш учун шартномалар тузилган. Ишлаб чиқарилиши бошланган синтетик дизель маҳсулоти биржа савдолари орқали тўғридан-тўғри заводдан сотилиши баробарида республика миқёсидаги барча нефть базалири орқали ҳам реализация қилиниши белгиланган.

Бугунги кунда GTL технологиясига бутун дунёда талаб кун сайин ортиб борапти. Шу асосда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлардан хомашё сифатида фойдаланган ҳолда, янада юқори қўшилган қийматли янги турдаги маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтиришга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, завод негизда алкил-бензол, бутен ва гексен, синтетик мойлар, малеин ангидрид, эмульсион қўшимчалар, катализатор каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қиймати 620 миллион доллар бўлган 6 та лойиҳа амалга оширилади. Бу ярим тайёр маҳсулотлар кимё ва маиший кимё, тўқимачилик, чарм ва мебель, қурилиш материаллари, электротехника каби соҳаларда кен қўлланилади.

Заводда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар жондорлиги энг юқори экологик талаблар, норма ва стандартларга тўлиқ жавоб беради. Заводни ишга тушириш орқали мамлакатимизда "яшил иқтисодий" сари яна бир катта қадам қўйилапти. Хусусан, уни электр энергияси билан таъминлашда ҳам инновацион ечимлар қўлланилган. Яъни технология жараёнида ҳосил бўладиган буғ ҳисобидан йилга 650 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, корхона ўзини ўзи зарур қувват билан таъминлайди.

Президентимиз эътироф этганидек, мажмур жараёнларда иштирок этадиган ёшлар — янги Ўзбекистон ёшлари. Улар миллий саноатимиз раънақига муносиб ҳисса қўшиб, бу йўлда "олтин фонд"имизга айланади.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ТИЗИМИ: ОДАМЛАРНИНГ МУШКУЛИНИ ОСОН, УЗОҒИНИ ЯҚИН ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири**

**Тирбандлик,
автобуслар кечикиши...**

Бошланғич 1-бета

— Бугунги кунда пойтахтимиз транспорт тизими шахсан давлатимиз раҳбари эътиборида, — дейди Тошкент шаҳар транспорт бошқармаси бўлими бошлиғи Ахрорхўжа Тошхўжаев. — Президентимиз июнь ойининг ўзида икки маротаба ушбу масалага доир учрашув ўтказгани ҳам бунинг тасдиғи. Хусусан, 6 июнь куни Тошкент ерусти ҳалқа метросининг иккинчи босқичи қурилишини бориб кўриши жараёнида жамоат транспорти билан яхши қамраб олинмаган маҳаллаларга 12 та янги автобус йўналиши очиб, метро бекатлари билан боғлаш, шунингдек, Тошкент вилоятининг пойтахтга кириб келувчи 9 та тезкор автобус қатновлари ташкил этилиши таъкидланган эди. 13 июнда эса ушбу топшириқлар ижроси бўйича тақдимот ўтказилди. Ўрганиб чиқилган 26 та маҳалладан бири — "Тикланиш"да йўлга қўйилаётган транспорт қатнови унинг ижроси ҳисобланади.

Шунингдек, пойтахтга Тошкент вилоятидан йўловчилар оқими кўп йўналишлар ўрганиб чиқилиб, шаҳар атрофидан метрополитен билан боғловчи 9 та экспресс йўналиши йўлга қўйилади. Гишкўприк чегара постидан Юнусобод метро линиясигача, шунингдек, Тошкент вилоятининг қатор туманларидан метро бекатларига янги йўналишлар очилади. Бу бўйича зарур ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Булар, ўз навбатида, аҳолининг жамоат транспорти учун йўл ҳақи ва вақтини тежайди. Шаҳарга кириб келувчи энгил автомобиллар сонини 97 минггача, магистраль кўчалардаги тирбандликни эса 10 фоизгача камайтиради.

Пойтахтимизда жамоат транспорти тизимини ривожлантириш, йўловчиларга сифатли ва хавфсиз хизмат кўрсатиш, инфратузилмани яхшилаш, ҳаракат таркибини замонавий автобуслар билан янгилаш, йўлларда, айниқса, пиёдаларга қулайлик яратиш мақсадида 2022 йил 2 февраль куни Президентимизнинг "Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида жамоат транспортида йўловчиларни ташини автобус, метрополитен, йўналишли ва йўналишсиз таксиларда амалга оширилмоқда. Жамоат транспортини кенгайтириш мақсадидаги ишлар эса тўртта — магистраль, боғловчи, ҳалқа ҳамда етказиб берувчи йўналишларига бўлинади.

— Қайд этиш керакки, ҳозирги кунда пойтахт транспорт тизимида муаммолар мавжуд, — дейди А.Тошхўжаев. — Хусусан, жамоат транспорти ҳаракат таркиблари бир неча йиллардан буён янгиланмаган. Транспортларнинг тасарруф мuddатлари эскирган ва етишмайди. Ваҳоланки, Тошкент — мегаполис шаҳар. Унинг худуди тобора кенгайиб борапти. Бу эса жамоат транспорти тизимини ҳам тақомиллаштиришни талаб этади. Аини пайтда Тошкент шаҳрида автобуслар бўйича 140 та, йўналишли таксилар бўйича 67 та, метрополитен бўйича 4 та йўналиш мавжуд. Ҳозирда автобусларда кунига ўртача 400 минг метрополитенда эса ўртача 380-400 минг киши манзилига етказилади. Пойтахтга кунлик кириб-чиқиларни



инобатга олсак, жамоат транспортини ривожлантириш нақадар муҳим эканлигини англаш қийин эмас. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган қарори асосида Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Унга биноан, "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик жамияти корхоналари ҳаракат таркиби 2022-2025 йилларда 1 минг 63 та, шу жумладан, 673 та электробус тизим тўлдирилади.

Яна бир жиҳат, Транспорт вазирлиги қошида хорижий ва маҳаллий мутахассислардан иборат "Лойиҳа офиси" ташкил этилган бўлиб, у шаҳар транспорт тизимидаги муаммоларни ўрганиш ва ечимини топиш билан шуғулланади. Утган уч ой давомида офис томонидан шаҳардаги жами 140 та чорраха фаолияти таҳлил қилинди ва натижада айни пайтда 40 та чорраҳанинг ўтказувчанлигини

ошириш чоралари кўриляпти. Чунки тирбандликни кўчаларни кенгайтириш билан бартараф этиш мушкул. Аксинча, чорраҳаларнинг ўтказувчанлигини ошириш орқали масалага ечим топиш мумкин.

Чиндан ҳам, ҳозир пойтахтнинг бир нечта йирик чорраҳалари параметрлари ўзгартирилди. Бу — ана шу "Лойиҳа офиси" мутахассислари тавсиялари асосида амалга оширилган ишлардир. Мутахассислар таҳлилича, битта чорраҳадан бир соатда ўртача 900 тадан ортққ автомобиль ўтадиган бўлса, ўзгаришлардан сўнг бу кўрсаткич 1200 тага етказилади.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда бир нечта йўналишларга электробуслар қатнови ҳам йўлга қўйилмоқда. Бундай транспорт воситаларининг ҳозирги кун учун қанчалик муҳим эканлигини қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди. Яъни

таҳлилларга қараганда, 130 646 километр масофа босиб ўтиш учун 12 метрлик дизель ёнилғисида ишлайдиган "Mercedes benz-LF" автобуслари 51,1 тонна дизель ёнилғиси ёқиб, унинг натижасида атмосферага 10,6 тонна микдорда зарарли моддалар чиқарган бўлар эди. Электробусларда эса бу рақам нолга тенг. Қолаверса, иқтисодий ҳаражатда ҳам тафовут юқори. Аъёнавий битта йўналишдаги автобуслар корхонага бир ой ичида 200 миллион сўмга яқин зарур келтирган бўлса, электр билан ҳаракатланувчи транспорт, аксинча, 30 миллион сўм даромад олиб келган.

Концепциядан нималар кутилмоқда?

Бугунги кунда шаҳарда 4 мингдан ортққ кўча мавжуд бўлиб, уларнинг узунлиги

Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Унга биноан, "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик жамияти корхоналари ҳаракат таркиби 2022-2025 йилларда 1 минг 63 та, шу жумладан, 673 та электробус билан тўлдирилади.

5 минг 900 километрдан иборат. Пойтахтда автомобиль транспорти воситалари сони 638 минг 840 тани ташкил этиб, ҳудудлардан кунига ўртача 150 мингдан ортққ автотранспорт воситалари кириб-чиқади. Транспорт ва пиёдалар ҳаракати 550 та светофор ва 40 мингта йўл белгилари ёрдамида тартибга солинади.

Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси ана шундай миқёсдаги ишларни янада яхшилашга хизмат қилади. Зеро, унда йўналишдаги автобусларнинг тасарруф тезлигини 17 фоизга ошириш, автобус қатновлари мунтазамлигини 95 фоизга етказиш, йўналиш ҳаракат интервалини 35 фоизгача қисқартириш, шаҳар худудларини йўловчилар транспорти билан тўлиқ қамраб олиш, атроф-муҳитга жамоат транспортининг салбий таъсирини камайтириш, шаҳарнинг аҳоли гавжум нуқталарида йўловчиларнинг бир транспортдан иккинчи транспорт турига ёки бошқа транспорт йўналишига ўртача 10 дақиқа ичида хавфсиз ўтиш имкониятини яратиш, шаҳар марказида ҳаракатланаётган энгил автомобиллар сонини 20 фоизгача қисқартириш, умумий йўловчилар оқимининг 10-15 фоизини велосипед транспортдан фойдаланишига эришиш каби кўплаб вазифалар белгилаб олинган.

Мухими, бу борадаги ишларга жиддий киришилмоқда. Муаммолар таҳлил қилиниб, ечимлари изланяпти. Имкониятлар юзага келяпти.



www.yuz.uz



yuz.uznews

КУН МАВЗУСИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛОВЧИ БОШ АСОСГА АЙЛАНАДИ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 20 июндаги Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқи халқимизнинг хохиш-истаги, эзгу мақсадлари ифодаси, юртимизда бўлаётган демократик ислохотларга инқилобий ўзгариш олиб кирди.

Карим НОРМАТОВ,
Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти профессори, тарих фанлари доктори

Айтиш жоизки, ўтган олти йил — Янги Ўзбекистоннинг юксалиш даври бўлди. Энди навбатдаги ўта муҳим босқичга — Тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадлар ва вазифаларни амалга оширишга киришдик. Бу йўлда бизни, энг аввало, конституциявий ислохотлар кутиб турибди. Шундай экан, давлатимиз раҳбари айтганидек, “Конституциявий ислохотни фуқароларимиз фикри ва қўллаб-қувватлаши асосида, референдум орқали амалга оширсак, бу том маънода, халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси — ҳақиқий халқ Конституцияси бўлади”. Бу “Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи — халқдир” деган тамойилга тўла мос келади. Шунда ҳар бир ватандошимиз “Янги Ўзбекистон Конституцияси — менинг Конституциям” деб юксак гуруҳ билан айта олади.

Дарҳақиқат, бугун эришган барча ҳақоратларимиз асосида буюк Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби улуғ аждодларимизнинг давлат ва халқ бирлиги, инсонпарварлик ва адолат устуворлиги ҳақидаги юксак ғояларига таяндик. Шу асосда халқ ҳокимиятини мустақамлаш, парламентаризмни ривожлантириш ва давлат органлари ҳисобдорлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлат ва жамият бошқарувида очиқлик ва адолат қарор топди, халқ манфаатига хизмат қиладиган халқаро қарорлар қабул қилиш тизими шакллантирилди.

Буларнинг бари миллий давлатчилигимизнинг асосий тамойиллари билан сўғорилди. Бир сўз билан айтганда, жамиятимизда демократия асоси, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Эзгу ишлар янада давом

Бугунги конституциявий ислохотларга ҳеч бир юртдошимиз, ҳатто хориздаги ватандошларимиз ҳам бефарқ эмас. Аҳоли фикри ва таклифларини ўрганиш учун “meningkonstitutsiyam.uz” платформаси яратилгани дунёнинг турли нуқталаридаги Ўзбекистон фуқаролари учун ўз фикр-таклифларини билдириш орқали Бош қонунни янада бойитишда ўзига хос имкон яратди.

этирилиб, ижтимоий адолат тамойили асосида барқарор ривожланишнинг дастури ишлаб чиқилди, у давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон тарихида ижтимоий соҳада бундай кенг қўламли ишлар сира бўлмаган. Президентимиз таъкидига кўра: “Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда, унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, ҳулоса чиқаришга ўрағишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур”.

Бир сўз билан айтганда, бугунги конституциявий ислохотларга ҳеч бир юртдошимиз, ҳатто хориздаги ватандошларимиз ҳам бефарқ эмас. Аҳоли фикри ва таклифларини ўрганиш учун “meningkonstitutsiyam.uz” платформаси яратилгани дунёнинг турли нуқталаридаги Ўзбекистон фуқаролари учун ўз фикр-таклифларини билдириш орқали Бош қонунни янада бойитишда ўзига хос имкон яратди.

Демак, мазкур онлайн-платформада берилган таклифлардан амалга олиш, уларда замон руҳи ва дунё тажрибаси акс этмоқда. Шу жиҳатдан, конституциявий ислохотлар ўта долзарб ва ўз вақтида амалга ошириляпти, дея ишонч билан айта оламиз.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА

Баъзи ижтимоий тармоқларда Конституциявий комиссия қисқа муддат фаолият юритгани ва жараён тезкорликда амалга оширилгани юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Тўғри, ҳаммининг мазкур жараёнларга қараши, фикр ва мулоҳазаси турлича, бу табиий, албатта. Бу фикрлар ҳам, қайсидир маънода, уларнинг мазкур жараёнга бефарқ эмаслигидан далолат беради.

Нозимахон МАҲМУДОВА,
Фарғона вилояти Риштон тумани Давлат хизматлари маркази катта мутахассиси

самарали ташкил этилганидан, энг асосийси, конституциявий ислохотлар мақсади тўғри қўйилганидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда билдирган фикрларига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим, деб ўйлайман. Яъни Конституцияимиз хорижий илғор тажриба ҳамда халқро стандарт ва талабларга ҳар томонлама мос келади. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Дарҳақиқат, умумхалқ муҳокамасига қўйилган конституциявий қонун лойиҳасида амалдаги Конституцияимизнинг асосий тузилиши ўзгармаган. Асосан, тегишли моддалар ҳозирга замон талабига мос янги ижтимоий муносабатлар билан бойитилган, қўшимча сифатида баъзи янги моддалар киритилган. Демак, жамиятнинг, Конституция ўзининг асосини, негизини ўзгартирмаган. Бу ҳам амалдаги Конституцияимизнинг қайсидир маънода ҳар томонлама талаб даражасида эканидан далолат беради.

2021 йил 6 ноябрь кунин Президентимиз ўз лавозимига киришишига бағишланган танта-нали маросимда сўзлаган нутқида ҳам кенг жамоатчилик, хусусан, миллионлаб сайловчилар таклифига биноан конституциявий ислохотларни амалга ошириш лозимлигига алоҳида урғу берган эди.

Демак, конституциявий ислохотларга расман тайёрларик жараёни ўша вақтдан бошланган, десак хато қилмаган бўламиз. Барча фуқароларимиз, фуқаролик жамияти институтлари, халқ вакиллари, умуман, кенг жамоатчилик ўзининг мазкур сиёсий жараёнларга тайёр эканини ўз таклифлари билан исботлаб турибди.

Янгиланадиган Конституцияимиз “инсон — жамият — давлат” манфаатлари акс этган асосий қонун бўлади. Конституция асосида барча ислохотларимиз самараси, фаровон ҳаётимиз натижадорлиги амалда ўз исботини топади.

Узоқ ва яқин қўшни мамлакатларда бўлиб ўтган конституциявий ислохотларда ҳам тегишли комиссиялар, ишчи гуруҳлар фаолияти узоққа чўзилмаган. Назаримда, энг муҳими, фуқаролар берган таклифлар Конституцияда тўлақонли акс этишидир.

Ўзбекистон Конституциясига ўзгартириш киритиш бўйича Конституциявий комиссия тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, улар етук мутахассислар ва ҳаётий тажрибаси катта арбоблар эканига амин бўламиз.

Комиссия ҳузурида биринчи бўлиб таклифларни қабул қилиб олиш ва умумлаштириш гуруҳи ташкил этилди. Мазкур гуруҳ таклифларни олиб, умумлаштириб, ҳудудлар ва соҳалар кесимида ажратиб, кейин комиссияга тақдим этди. Шунингдек, таклифларни таҳлил қилиш гуруҳи келган минглаб таклифларни Конституция моддалари, бошларига қанчалик мослиги ва шунга йўналтирилганига қараб таҳлил қилиб чиқиб, сўнг Конституциявий комиссияга тақдим қилиш вазифасини амалга оширди.

Комиссия буларни муҳокама қилиб, қайсилари лойиҳага қабул қилинади ёки қайси бири бошқа қонунлар предмети шаклида таклиф қилиниши бўйича ҳулосага келди.

Ҳозирги кунга келиб, таклифлар сони 60 мингдан ошиб кетди. Бу, албатта, қувонарли ҳолат. Чунки Президентимиз таъкидлаганидек, халқимиз янгилабган Конституциянинг том маънодаги ижодкори бўлмоқи лозим.

Қизгин жараёнлар ҳали олдинда. Табиийки, фуқароларимиз яна қўлаб таклиф ва мулоҳазалар билдиради. Конституциявий комиссия эса уларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш ҳаракатини бир зум ҳам тўхтатгани йўқ. Шу боис, Асосий қонунимизга ўзгартиришлар киритиш жараёни тобора қизгин тус олмақда, деб айтиш мумкин.



ЁШЛАР ФИКРИ

ИШОНЧ БЎЛСА, ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ПИСАНД ЭМАС ЭКАН

Бундан роппа-роса беш йил аввал Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшлар ҳаракати қурутлоғида қатнашиб, 30 июнь санасини мамлакатимизда Ёшлар қуни сифатида нишонлашни таклиф қилган эди. Ўша йили 26 августда эса “Ўзбекистон Республикаси ёшлари қунини белгилаш тўғрисида”ги қонун эълон қилинди. Қуни кеча Ёшлар байрами беш йиллигида давлатимиз раҳбарининг сўзлаган нутқини эшитиб, беихтиёр ҳаёлимдан тенгдошларимиз ҳаётида нималар ўзгарди, нималарга эришдик, деган савол ўтди.

Фариддун САИД,
Тошкент давлат техника университети 4-курс талабаси



Авалло, таъкидлаш жоизки, 30 июнь — Ёшлар қуни мамлакатимиз йигит-қизлари учун чинакам шодиенага айланиб бораётганининг ўзи катта ҳодиса. Байрам шукҳи мамлакатимизнинг энг чекка қишлоғидаги тенгдошим қалбига ҳам шодлик олиб кирмоқда. Улар қалбига Янги Ўзбекистоннинг юксак, яратувчанлик руҳини бошлаб борапти. Табиийки, бу ҳодиса биз, ёшларни эзгу ниятлар, катта мақсадлар сари қорлайди.

Ўзбекистон ёшлари бир мақсад йўлида бирлашди. Бу — Учинчи Ренессансга интилиш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, фаровон ҳаётни таъминлаш мақсади. Шундай экан, биз учун ҳар бир кун, ҳар бир янги ташаббус ўта муҳим аҳамият касб этади. Айтмоқчимани, конституциявий ислохотлар жараёнида. Шу маънода, ҳар биримиз мана шу тарихий ўзгаришлар шукҳига бефарқ бўлмастимиз керак. Боиси, ўзгараётган Конституцияимизда айнан Президентимиз ташаббуси билан ёшлар таълим-тарбиясига, илм-фанни, инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу йилги Ёшлар қуни ҳам ўзгача файзу тароват билан кўнгиллارга самимий туйғулур улашди. Айниқса, Президентимизнинг гапларидан таъсирландим, гуруҳ туйдим. Давлатимиз раҳбари қўзлаган марраларга эришимиз учун барча шароитларни яратиб беришга тайёр эканини яна бир бор таъкидлади.

“Буеун сизларнинг ёниб турган кўзларингиз, шодликка тўла гўзал чеҳрангизга қараб, академик шоиримиз Фағур Фуломнинг:

Сиз ахир осмонни олмақ бўлсангиз,
Не учун елкамни тугиб бермайсиз? —
деган оташин сатрлари ёдимга тушмоқда.
Мен сиз, азиз фарзандларимдан бир нарсани

сўрайман: тинимсиз ўқиб, изланиб, замонавий билимларни эгаллашдан, кўнглингиздаги эзгу мақсадлар сари ҳаракат қилишдан ҳеч қачон тўхтаман!” дея бизга катта руҳ берди, қувват бағишлади.

Давлатимиз раҳбари мана шундай руҳлантириб турса, биз учун елкасини тугиб беришга тайёрлигини билдирса, қалбингиз гуруҳ-ифтихорга тўлар, қаршингиздаги қийинчиликлар писанд эмас экан.

“Мен ўз билимим, кучим ва ғайратим билан бу ишончни оқлашим шарт”, деган мақсад билан олдинга интиларкансиз. Бу туйғу, бу ишонч эса нақадар фараҳбахш ва ёқимли.

Албатта, ҳар бир ўзбекистонлик ёш қалбига ўз оиласи, маҳалласи, Ватани келажаги, фаровонлиги учун хизмат қилувчи ғоя, таклиф ёки ташаббус бор. Бу, шубҳасиз, эртага ўз самарасини беради.

ВАТАН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ, КЕЛАЖАК БИЗНИКИ!

Ёшлар қуни муносабати билан “Янги Ўзбекистон” боғида ўтказилган байрам тадбирида иштирок этдим. Байрамда Президентимиз нутқ сўзлаб, жумладан, “Албатта, сизлар билан учрашиб, кўнглингиздаги эзгу орзу ва режаларингиз билан ўртоқлашиб, таклиф ва ташаббусларингиз ҳақида эшитиш менга доимо қувонч ва гуруҳ бағишлайди. Сизларнинг шижоат ва интилишингизни кўриб, ёниб турган кўзларингизга қоқиб, ўзимга битмас-туганмас куч оламан”, деди.

Ислол АСИЛБЕКОВ,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси, “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиби



Вақтни ўтишини қаранг. Ўтган йили ҳам давлатимиз раҳбари ёшлар билан учрашувда биз учун жуда катта мақсад ва вазифаларни белгилаб берган эди. Бу йил ҳам ёшлар сиёсати-га оид қатор ташаббусларни илгари сурди. Энг муҳими, уларни ҳаётга татбиқ этиш йўллари, амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирларнинг аниқ молиявий манбасини айтиб ўтди.

Мен ўтган йили Президентимиз фармони-га асосан, “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланганман. Ортада қолган бир йил давомида ўзимнинг соҳам бўйича салмоқли натижаларга эришишга ҳаракат қилдим. Жумладан, 2021 йилнинг 1-4 июнь кунлари Қоҳира шаҳрида Ўзбекистон-Миср адабиёт ҳафтали-ги доирасида ўтказилган халқаро анжуман-да бадий ижод, журналистика борасидаги ютуқларимиз муносиб эътироф этилиб, мах-сус сертификат билан тақдирландим. Учта илмий мақолам Германия, Франция, Буюк Британияда ўтказилган халқаро конференция тўлаимидан, болалар учун ёзган ҳикояларим Қозғистоннинг “Жаҳон истеъдодлари” уюш-маси чоп этган китобдан жой олди. Ҳали бу ютуқлар рўйхати албатта давом этади. Бир зум бўлса-да, тўхтаб қолиш йўқ.

Ёшлик — шижоат, интилиш, иштиёқ, матонат, юксалиш ҳамда улкан марралар сари мустаҳкам пойдевор.

Бугун Президентимизнинг ўзи ёшларни қўлаб-қувватлаб, сизлар учун, сизларнинг порлоқ, нури келажакнингиз учун мана мен елкамин тугиб бераман, сиз, ёшлар Президент жамоа-сида, менинг ҳимоямдасизлар, деб илҳомлан-тириб турганида, биз ҳам ана шу давъатга муносиб ишлар қилишга интилишимиз керак. Чунки шу азиз ва муқаддас она тупроқ, Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган болалар юрти барчамизники.

Биз бир нарсани ҳеч қачон унутмаслигимиз ке-рак. Ватан бизники, марра бизники, келажак бизни-ки! Зеро, Президентимиз айтганидек: “Ҳеч қачон унутманг, сизлар инсон ҳар томонлама эркин, озоод ва фаровон яшайдиган Янги Ўзбекистон ҳамда Учинчи Ренессанс бунёдкорларисиз”.

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНING КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДА БИЛДИРГАН ФИКРЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШИМИЗ ЛОЗИМ, ДЕБ ЎЙЛАЙМАН. ЯЪНИ КОНСТИТУЦИЯМИЗ ХОРИЖИЙ ИЛҒОР ТАЖРИБА ҲАМДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТ ВА ТАЛАБЛАРГА ҲАР ТОМОНЛАМА МОС КЕЛАДИ. БУНГА ҲЕЧ ҚАНДАЙ ШУБҲА ЙЎҚ. ДАРҲАҚИҚАТ, УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИГА ҚЎЙИЛГАН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИДА АМАЛДАГИ КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ АСОСИЙ ТУЗИЛИШИ ЎЗГАРМАГАН. АСОСАН, ТЕГИШЛИ МОДДАЛАР ҲОЗИРГА ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС ЯНГИ ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР БИЛАН БОЙИТИЛГАН, ҚЎШИМЧА СИФАТИДА БАЪЗИ ЯНГИ МОДДАЛАР КИРИТИЛГАН.

ШУКРОНА

ҚАДРИЯТЛАРИ ҚАДРЛАНГАН ЮРТ

Шукурлло УМАРОВ, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори



Жамиятда муқаддас ислом динининг буюк инсонпарварлик тамойилларини асраш ва кенг тарғиб этиш долзарб вазифага айланиб бормоқда.

маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва вилоятларда калом, ақоид, ҳадис, фикҳ ва та-саввуф илми мактаблари ташкил этилиб, исломнинг эзгу ғоялари кенг тарғиб қилинмоқда.

Президентимиз ёшларни сўнгги йилларда кучайиб бораётган диний экстремизм ва терроризм таҳдидларидан ҳимоя қилиш, уларнинг ўз са-лоҳиятини намоен этиши учун зарур шароитлар яратиш кераклигини таъкидлаб, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни тақлиф қилган эди.

Биз муқаддас динимизни ўзравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислон дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади.

Президентимизнинг Қурбон ҳайитини бу йил ҳам муносиб ўтказиш ҳақидаги фармонига ҳам

ўзига хос қадриятларимизга айланиб кетган ушбу байрам муносабати билан хайр-саховат, меҳр улашиш, савобли амалларни кенг тарзда амалга ошириш кўрсатиб ўтилган.

Юртимизда муборак Қурбон ҳайитига эзгулик, хайру саховат ва меҳр-оқибат кўрсатиладиган кун сифатида катта эътибор қаратиб келинади. Бу кунда хурсандчилик қилиб, барча мўмин-мусулмонларда кўтаринки кайфият ҳукмрон бўлиши, ўз-галарга ҳам шу кайфиятни улашиш лозим бўлади.

Халқимиз азалдан Ҳайит байрамларида қариндош-уруғлари зиёрат қилиш, кексалар ҳолидан хабар олиш, ёр-дўстларга ҳадялар улашиш, кўни-қўшниларга илтифот кўрсатиш, болаларга янги кийим-кечак ва ёшларга муносиб совғалар тақдим қилиш каби ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлаб, жамият вакиллари ўртасида меҳр-муҳаббатни ёйишга интилади.

Бу йилги Қурбон ҳайитидаги имкониятлар ҳали Ўзбекистон тарихида бўлмаган янгиликларга бойлиги билан ажралиб туради. 2022 йилнинг биринчи ярим йилида 35 мингдан зиёд юртдошимиз Умра амалини бажариб келгани, айни вақтда 12 минг ҳожимиз Макка шаҳрида дуои ибодатлар билан машғул бўлиб тургани ҳам мамлакатимизда мавжуд тинчлик ва хотиржамлик ҳамда давлатимиз томонидан яратиб берилган шароитларнинг яққол самарасидир.

Бу йил зиёратга ошиққан юртдошларимизнинг Ҳаж зиёратлари яна бир улугъ неъмат, яъни "Ҳажжи ақбар" — катта Ҳаж ийлига тўғри келаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугун дунёда пандемия ҳолати ҳали ҳам давом этаётган, баъзи



давлатларда Ҳаж сафарига боришга рухсат бўлмаган ҳамда барча давлатлардан Ҳаж квоталари қисқартирилган бир пайтда юртимиздан Ҳаж сафарига борганлар сони ҳар йилгига нисбатан етмиш фоиз кўпайгани ва Умра зиёратини ўқиб қечканлар квоталар оқиб ташлангани ҳақидаги маълумотларни кўпайтириш учун бир имкон бўлди.

Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан байрам муносабати билан дам олиш кунлари кўпайтирилгани юртдошларимиз учун яқинлар, қариндошлар, беморлар ҳолидан хабар олиш, атрофдошларга қувонч улашиш, хуллас, савоб амалларни кўпайтириш учун бир имкон бўлди.

Ҳайит байрами Аллоҳнинг бир неъматини бўлиши билан бирга, миллий бирлигимиз ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш учун ҳам эътиборга молик фурсатдир. Байрам арафасида барчамиз меҳрга тўламыз, хурсандчилик улашамиз, ҳамжихатлик туйғуларимиз уфурлади, агар орамизда адоват ва қайғулар бўлса, барҳам топади.

Бу байрамнинг яна бир улугъ фазилати дуоларнинг қабул бўлишидир. Юртимиздан Ҳаж сафарига борган ўн икки минг ҳожимиз улугъ маконлардан туриб юртимиз, халқимиз, келажагимиз ва ёшларимиз ҳақида дуолар қилишади. Зеро, бу фурсат дуо қилиб, дуолари ижобатини яратган Зотдан сўраш вақтидир.

Бошланиш 1-бетда

Диний бағрикенглик ҳамда ўзга миллат ва дин вакилларига ҳурмат юртимизда азалдан шаклланган улугъ фазилатлардан. Кўпгина минтақаларда бир миллат, бир дин вакиллари ўртасида турли келишмовчилик ва низолар авж олган даврларда ҳам юртимизда ўзаро бағрикенглик, умуминсоний одоб-ахлоқ нормаларига амал қилинган.

Динлараро бағрикенглик ғояси нафақат диндорларнинг, балки бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутди ҳамда тинчлик ва барқарорликнинг муҳим шартини ҳисобланади. Азал-азалдан юртимизнинг йирик шаҳарларида турли миллат вакиллари ибодатларини эмин-эркин адо этишига алоҳида эътибор қаратилган, шароитлар яратилган, тарихда диний асосда можаролар чиқмагани халқимизнинг динлараро бағрикенглик борасида улкан тажрибага эга эканидан далолат беради.

ТИЛ — МИЛЛАТ ҒУРУРИ
Ўзлимизнинг бош мезони

Ҳар бир халқ ўзи яратётган моддий неъматлар билан фахрланишга ҳақли. Аммо табиатда шундай бойлик борки, унга эга бўлмасдан, авайлаб-асрамасдан, ривожлантирмадан туриб камолотга эришиб бўлмайди. У ҳам бўлса, миллатга берилган улугъ неъмат — тилдир.

дунёдаги йирик тиллардан бири экани намоен қилади. Бугун ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётда кенг қўлланилиб, уни ўрганиш ва тадқиқ этишга бўлган қизиқиш нафақат юртимизда балки хорижий мамлакатларда ҳам кучайиб бормоқда.

Аммо тан олиб айтиш лозим, ҳоҳда ўз ечимини қутаётган масалалар ҳам бор. Тилимиз билан боғлиқ айрим масалаларда қайси қоидаларга таяниш кераклиги юзасидан бир тўхтам йўқ. Албатта, бу жараёнда Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий каби буюк аждодларимиздан қолган бой маънавий меросга мурожаат қилиш ўринли.

Хусусан, Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони лугатит-турк" асарини туркий халқларнинг тилшунослигига ҳамда маданиятига улкан ҳисса қўшган. У ҳар бир туркий қабилани тилига хос бўлган диалектал хусусиятларини аниқлаган. Қошғарий турклар, туркманлар, ўзглар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарлари, қишлоқ ва қишлоқларини кезиб лугатларини тўплаган. Турли сўз хусусиятларини аниқлаган ва тартибга солган. Асарда 6 мингдан ортиқ туркий сўзларга атрофлича изоҳ берилган бўлиб, бу жуда катта қамровдир.

Ўзбек адабий тилининг шаклланиши даврини кўрсатувчи асарлар сирасига Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутаду билиг" асарини қиритиш мумкин. Подшо Кун-туғди, доно вазира Ойтуғди, Ойтуғдиннинг ўғли Удғилмиш ўртасидаги суҳбатдан иборат асар шеърини панднома бўлиб, XI аср қабилаларини бирлаштиришга ва у тилини ривожлантиришга катта ҳисса бўлиб қўшилди. Шунинг учун бу асар тилида ўзбек, уйғур, қирғиз каби туркий тилларга хос бўлган хусусиятлар ўз аксини топган.

"Ҳибатул ҳақойик". Улугъ адиб Аҳмад Югнакийнинг мазкур асари бадийий сўз санъати ва ўзбек адабий тилининг жуда қимматли ёдгорлиғидир. Туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили тарихини илмий равишда чуқур ўрганишда "Ҳибатул ҳақойик" асари энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, ҳар учала асар ҳам ҳозирги туркий тилларни ўрганишда ва уларнинг қиёсий тарихий грамматикасини яратишда қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги глобаллашув ҳар қандай халқ ва давлатни ўзининг миллий маданияти, қадриятлари, анъаналарини ва айниқса, тилини асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириб боришни тақозо этмоқда. Шундай экан, ўзбек тилининг обрў-эътиборини ошириш, мамлакатимизда давлат тилининг тўлақонли жорий этилишини таъминлаш ҳар бир миллатдошимизнинг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим.



Хожиақбар ТўЛАГАНОВ, "Ўзгросуғурта" АЖ Бошқарув раисининг маслаҳатчиси

Аждодларимизнинг миллий ўзлигимизнинг бош мезони ҳисобланган тилга бўлган бу даражадаги қўнчақлигини ўша даврдаги сиёсий-иқтисодий талотумлар тақозоси сифатида қарашимиз табиий. Аммо улар билдирган хавотирлар ҳар қайси давр учун ҳам долзарбдир.

Таъкидлаш жоиз, халқимиз оруз қилиб, интилиб ва курашиб келган давлат тили ҳақидаги қонуннинг 1989 йил 21 октябрда қабул қилиниши мустақиллик ва мамлакат суверенитетини сари қўйилган дастлабки, шу билан бирга, жасоратли қадам эди. Ушбу тарихий ҳужжат туйғайли ўзбек тили юксак макомга эга бўлди.

Орадан ўттиз йил ўтиб, ўзбек тилининг нуфузи ва мавқеини оширишга қаратилган яна бир муҳим ҳужжат имзоланди. Президентимизнинг 2019 йил 21 октябр кўни "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони имзоланди. Мазкур ҳужжат билан 21 октябр санаси юртимизда "Ўзбек тили байрами кўни" сифатида кенг нишонлангани бўлди.

Кўни кеча эса Вазирлар Маҳкамасининг Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалаларини департаменти қатор мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда "Қадринг

баланд бўлсин, она тилим!" республика танловини эълон қилди. Учинчи марта ташкиллаштирилган танловдан мақсад ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш, давлат тилини миллий қадрият сифатида тарғиб қилиш, унга нисбатан миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш, энг муҳими, давлат тилига оид муаммоларни ҳал қилишда илмий-амалий ёндашувни ривожлантиришдан иборат.

Тилга бўлган ҳурмат, унга берилётган эътибор фақат ҳужжатлару қоғозларда эмас, балки амалда кўзга ташлана бошлади. Ўзбек тили жаҳоннинг юксак минбарларидан янгради. Ўзбекистон Президенти 2020 йил 23 сентябрь кўни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги чиқишида мустақил Ўзбекистон тарихида илк марта давлат тили — ўзбек тилида нутқ сўзлади.

Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат. Ҳозирда юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг маданияти ва урф-одатларини, хусусан, уларнинг она тилларини ривожлантириш учун ҳам зарур шароитлар яратилмоқда.

Турли ҳудудларда ташкил этилган 140 га яқин миллий маданият марказлари ана шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Кўплаб таълим-тарбия масканлари, оммавий ахборот воситалари ўзбек тили билан бирга, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида фаолит қўрсатмоқда. Давлатимиз барча миллатларнинг тили ва маданиятини ривожлантириш учун зарур шароитларни яратган.

Маълумотларда таъкидланишича, ер юзиде 5621 та тил ва шева мавжуд. Ҳозиргача улардан 500 тасигина ўрганилган, холос. Ҳар уч тилдан биттасининг ёзуви йўқ, фақат оғзаки нутқ шаклига эга.

Дунёда оғзаки нутқ шаклидаги тиллардан ташқари имо-ишоралар тили ҳам бор. Масалан, яқинда Жанубий Африка Республикасида мамлакат парламенти конституцияга киритган ўзгаришларни тасдиқлади, унга кўра, жанубий африкаликларнинг имо-ишоралар тили давлат тили макюмига эга бўлди.

Айни пайтда сайёрамизда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони қарийб 50 миллион кишини ташкил этиши унинг

ЯНГИ ЛОЙИҲА

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни аниқлаш, ўз истеъдодини намоен этиши учун кенг имкониятлар яратишга доимий эътибор қаратилмоқда. "Навқирон Ўзбекистон — 2022" ёш ижодкорлар амалий санъат кўргазмаси ҳам ана шу эътибор ва рағбат самарасидир.



“ЭНГ ГУЛЛАГАН ЁШЛИК ЧОҒИМДА...”

Пойтахтимизда 23-30 июнь кўнлари илк мартаба ёш ижодкорларнинг "Навқирон Ўзбекистон" амалий санъат кўргазмаси бўлиб ўтди

Гуличеҳра ДҲРДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

"Навқирон Ўзбекистон — 2022" кўргазмаси Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилган эзу ғояларнинг мантиқий давоми бўлиб, ёш истеъодларни кашф этиш, уларнинг фаолияти билан кенг жамоатчиликни яқиндан таништиришга қаратилган, иқтидорли ёшларни юртимиз тараққиёти йўлида изланишга сафарбар этаётгани билан аҳамиятлидир.

Кўргазмага жорий йил 23 июнь кўни старт берилган эди. Савкиз кун давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 18 ёшдан 33 ёшгача бўлган 70 дан зиёд иштирокчи мингга яқин асарини санъат усталари ва мухлислар эътиборига ҳавола қилди.

"Навқирон Ўзбекистон" кўргазмасининг асосий мақсади санъат оламига кириб келаётган иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш, иходини ривожлантиришга ҳар томонлама қўмақлашиш ва кенг тарғиб этишга қаратилган. — дейди Бадий академия бўлим бошлиғи Ойниса Пўлатова. — Янги лойиҳани амалга ошириш доирасида иқтидорли ёшларни излаб топиш, улар билан ишлаш, интилишларини рўёбга чиқариш учун чуқур ўйланган тизим жорий этилди. Ушбу ижодий лойиҳага юртимизнинг барча ҳудудларидан юборилган ижодий ишлар иши гуруҳ томонидан сараланиб ва кўргазмага қўйишга тавсия этилди.

Пойтахтга ташриф буюрган қатнашчилар учун Тошкент қўлоқли заводида саъхат ташкил қилинди. Ўзбекистон



халқ устаси Акбар Раҳимовнинг қўлоқли мактабига учрашув ва маҳорат дарслари ўтказилди. Ёшлар Ўзбекистон давлат амалий санъат музейига, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасига ҳам тақлиф этилди. Ўзбекистон халқ устаси, заргар Фасхитдин Дадамўхамедов билан ижодий учрашув, Тошкентнинг маданият-маърифий масканларига саъхатлар уюштирилди.

"Навқирон Ўзбекистон" республика зонавий санъат кўргазмаси голибларини тақдирлаш маросими 30 июнь кўни бўлиб ўтди.

"Энг сара миллий либослар коллекцияси" номинациясида Қорақалпоғистон Республикасида Меҳрибон Айтниязова, "Энг моҳир ёш нақош" — Наманган вилоятидан Севара Ҳотаммирзаева, "Энг иқтидорли ёш хатот" — тошкент-

лик Мадина Собитова, "Энг моҳир ёш гиламдўз" — қашқадарёлик Нодир Маннонов, "Энг моҳир ёш каштани" — қорақалпоқ кизи Гумисай Раметуллаева, "Энг моҳир ёш ёғоч ўймақори" номинациясида эса Самарқанд вилоятидан Қудрат Очиллов голибликни қўлга киритди.

Тошкентлик Оятилло Мадалиев "Энг моҳир ёш кандакор", қашқадарёлик Шарифжон Раупов "Энг моҳир ёш заргар" деб тан олинган бўлса, "Энг иқтидорли ёш миниатюра мусаввири" ва "Энг моҳир ёш қўлғирқоч устаси" номинацияларига сўлим Фаргонанинг гузал қизлари Дилрабо Қурбонова ҳамда Дилафруз Абдуллоева мурасар бўлди.

"Навқирон Ўзбекистон" кўргазмасининг олий мукофоти — Гран-при эса Тошкент шаҳридан Шоҳруҳ Раҳимовга насиб этди.

— Қувончларим чексиз. Қалбимда бир олам орузлар мавж уряпти. Биз ижодкор ёшларни бирлаштириб, ижодий изланишларимизга кенг қўлоқ берган кўргазма менга жуда манзур бўлди. Ёрқин таассуротларга бой, унутилмас тарзда ўтган 8 куним ҳаётимнинг энг гузал саҳифаси бўлиб қолади. Кўргазманинг олий мукофотини олганим менга рағбат ва куч бағишлайди, — дейди Шоҳруҳ.

Ҳа, Ўзбекистон Бадий академиясининг бу янги лойиҳаси ёшларни ўз истеъдодини янада кенг намоен этишга, она Ватанимиз ривожини тараққиёти йўлида шидқидилдан меҳнат қилишга, бир-бирининг гузал ижодий асарларини яратишга ундайди.

Information box containing contact details for 'Yuz' magazine, including address, phone numbers, and website information.